



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И**

09-11-сонли

2011 йил 25 ноябрь

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини
кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича
суд амалиёти тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан ҳамда мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда судлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасига эркин келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлиб, қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби қуйидагилар билан тартибга солинади:

1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонун (бундан буён – Қонун);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши Тартиби» (бундан буён – фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хорижий

фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари Тартиби» (бундан буён – чет эл фуқаролари кириш-чиқиш Тартиби);

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан.

2. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 223-моддасида назарда тутилган жинойий жавобгарлик шахс чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш юзасидан белгиланган тартибни фақат қасддан бузган ҳоллардагина келиб чиқади.

Шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибининг эҳтиётсизлик оқибатида (масалан, ориентирни йўқотиш оқибатида) ёки ноиложликдан (масалан, табиий офат ёки техноген хусусиятга эга ҳодиса, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид этиш оқибатида) бузилиши мазкур жиноят таркибини ташкил этмайди.

Сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ЖК 223-моддаси билан жинойий жавобгарликка тортилмайдилар.

3. Жиноят кодекси 223-моддасининг биринчи қисми диспозициясига кўра, мазкур жиноят қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишда ифодаланган бир ёки бир неча ҳаракатлар кўринишида содир этилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг белгиланган ўтказиш пунктлари орқали (Қонуннинг 12-моддаси), бироқ белгиланган ҳужжатларсиз ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган тегишли рухсатномасиз кесиб ўтилиши тушунилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш деганда, жумладан, ҳақиқий ҳужжатлар ва кириш-чиқишга рухсатнома бор-йўқлигидан қатъи назар, унинг белгиланган ўтказиш пунктларидан ташқари жойдан кесиб ўтилиши тушунилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикасига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – амалдаги паспорт (дипломатик паспорт), паспортнинг амал қилиш муддати чет элда ўтган, у яроқсиз бўлиб қолган ёки йўқотилган, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилиш санаси ўзгарган) ҳолларда – Ўзбекистон Республикасига қайтиш сертификати ва фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби V бўлимида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – амалдаги миллий паспорт (дипломатик паспорт), шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш учун (кириш, транзит) виза ва чет эл фуқаролари кириш-чиқиш Тартиби II бўлимида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

5. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун – амалдаги паспорт (дипломатик паспорт), унда чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикери (бундан буён – стикер) мавжудлиги, чет эл давлатига кириш визаси (кириш учун кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этилмайдиган МДХ мамлакатлари бундан мустасно), амалдаги йўл ҳужжати (чипта), божхона органи мансабдор шахси белгиси қўйилган божхона декларацияси ва фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби I, II бўлимларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – амалдаги миллий паспорт (дипломатик паспорт), шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш-чиқиш учун виза, амалдаги йўл ҳужжати (чипта), божхона органи мансабдор шахси белгиси қўйилган божхона декларацияси ва чет эл фуқаролари кириш-чиқиш Тартиби I, III бўлимларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

6. Белгиланган тартибга қўра, кириш-чиқиш учун визасиз режим ўрнатилган МДХ мамлакатларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чиқиши учун стикер расмийлаштирилиши талаб этилмайди (фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби I бўлими 2-банди). Бироқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда айрим мамлакатлар билан визасиз режим мавжудлигидан қатъи назар, муайян тоифадаги фуқароларнинг (масалан, харбий хизматчи-

лар, давлат сири бўлган маълумотлардан хабардор шахслар ва ҳ.к.ларнинг) чет элга чиқиши учун бошқача тартиб белгиланиши мумкин (фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби I бўлими 3-банди, II бўлими 4-банди). Бинобарин, мазкур тоифадаги шахсларнинг кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этилмайдиган МДХ мамлакатларига махсус рухсатсиз чиқиши уларнинг ЖК 223-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

7. Қонунчиликка мувофиқ, кириш учун кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этилмайдиган мамлакатларга вақтинча яшаш (хизмат сафарига, ўқишга, контракт бўйича ишлашга ва ҳ.к.) учун чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этиладиган учинчи бир мамлакатга чиқиш зарурати бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига ўша мамлакатга кириш учун стикер расмийлаштириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишлари лозим (фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби II бўлими 5-банди). Бундай тартибга риоя этмаслик қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш сифатида баҳоланиб, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

8. Жиноят кодекси 223-моддасида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизиги кесиб ўтилган пайтдан бошлаб, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида эса – чегара назоратидан ўтилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Судларга тушунтирилсинки, агар жиноят Давлат чегарасини ёриб ўтиш йўли билан содир этилган бўлса, шахснинг ҳаракатлари ЖК 223-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда ёриб ўтиш деганда, жумладан, кўриқланадиган Давлат чегарасини чегара постига ёки чегарачилар нарядига ҳужум қилиш, чегара кўшинларининг қонуний фаолиятига бошқача фаол қаршилик кўрсатиш (масалан, Давлат чегараси режими талабларига очикдан-очик бўйсунмаслик, ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиш), Давлат чегарасини кўриқлашга доир техник воситаларни нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш ва ҳ.к. йўли билан кесиб ўтишда ифодаланган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Агар Давлат чегарасини ёриб ўтиш пайтида айбдор томонидан Давлат чегарасини кўриқловчи шахс баданига қасддан

оғир шикаст етказилган ёки у қасддан ўлдирилган бўлса, қилмиш ЖК 223-моддаси ва тегишлича ЖК 104, 97-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларда қасддан баданга енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати, шунингдек, мулкий зиён етказилиши ЖК 223-моддаси иккинчи қисми диспозицияси билан қамраб олинади ва тегишлича ЖК 105, 109 ва 173-моддалари билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

10. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 223-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандида назарда тутилган жиноят субъекти фақат «Чет элга боришлари махсус розиликни талаб этадиган мансабдор шахслар рўйхати»га киритилган мансабдор шахслар бўла оладилар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли қарорига 4-илова).

11. Агар шахс қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пайтида бошқа жиноятлар (ҳужжатларни қалбакилаштириш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, контрабанда, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва бошқалар) содир этган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Чегарачилар наряди таркибида бўлган шахс томонидан чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш, агар бу қилмиш қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишга олиб келган бўлса, ЖК 294-моддаси иккинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади ва ЖК 223-моддаси билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

12. Жиноят кодекси 223-моддаси диспозицияси бланкет норма бўлганлиги туфайли, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда дастлабки тергов органлари шахс томонидан чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш тартибини белгиловчи айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлигини аниқ кўрсатишлари шарт. Суд ҳукмида ҳам мазкур жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахснинг ҳаракатларида ЖК

223-моддасида назарда тутилган белгилардан қайси бири мавжудлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан жиноят-процессуал қонуни (ЖПК 419-моддаси) талабларига риоя этилмаслиги иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилинишига ва ишнинг қўшимча тергов юритиш учун қайтарилишига сабаб бўлади.

13. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишга доир ишларни кўриш вақтида судлар, эҳтиётсизлик оқибатида Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби бузилишига йўл қўйган шахсларнинг ноқонуний судланиши ҳолларини истисно этиш мақсадида, айбдорнинг ҳаракатлари хусусиятини синчковлик билан аниқлашлари зарур. Иш бўйича шахс қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги факти аниқланган ҳолда суд бунга тегишли муносабат билдириб, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариши керак.

Мазкур тоифага доир ҳар бир иш бўйича айбдор шахсга нисбатан адолатли, қилмишга мутаносиб жазо белгилаш мақсадида судлар, шунингдек, жиноятнинг содир этилиши мотивини, моддий зарар етказилган-етказилмаганлигини, етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашлари лозим.

14. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишга доир ишларни кўриш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари, бу тоифадаги ишлар бўйича суд қарорлари қонунийлиги ва асослилигини чуқур текширишлари, йўл қўйилган моддий ва процессуал қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

Олий суд раиси

Б. Мустафаев

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

В. Назаров